

# ЎЗБЕКИСТОН

# QISHLOQ XO'JALIGI

ISSN 2181-502X

№4. 2015

*22 апрель —  
Халқаро ерни муҳофазалаш куни*



*Ерга қанчалик меҳрли, саховатли бўлсак,  
ер ҳам бизга шунчалик саховат кўрсатади.*

**Ислон КАРИМОВ**





# ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХОЎЖАЛИГИ

(«Сельское хозяйство  
Узбекистана»)  
Аграр-иқтисодий,  
илмий-оммабоп журнал

## МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси  
Қишлоқ ва сув хўжалиги  
вазирлиги

## Бош муҳаррир:

Тоҳир  
ДОЛИЕВ

## Таҳрир ҳайъати:

Шухрат ТЕШАЕВ  
Акрам АРИПОВ  
Яшин ХИДИРОВ  
Шавкат ҲАМРАЕВ  
Ботиржон СУЛАЙМОНОВ  
Собиржон ЭРГАШЕВ  
Хусниддин ЧИНИБЕКОВ  
Тўлқин ЭШНАЗАРОВ  
Содиқжон ТУРДИЕВ  
Саидқул АРАБОВ  
Фарҳод ОМОНОВ  
Эркин ҚУДРАТОВ  
Муса АНОРБОЕВ  
Тоштемир ОСТОНАҚУЛОВ  
Шермат НУРМАТОВ  
Ўктам УМУРЗОҚОВ  
Норкул ХУШМАТОВ  
Равшанбек СИДДИҚОВ  
Ражаббой ДЎСТМУРОДОВ  
Муҳаммаджон ИБРАГИМОВ

2015 йил,  
№4 Апрель

Журнал 1922 йил  
октябрдан чиқа бошлаган.

ОБУНА ИНДЕКСИ:  
якка обуначилар учун — 894  
ташкilotлар учун — 895

# МУНДАРИЖА

Халқимиз барқарор келажақ учун овоз берди .....	1
<b>С.АНВАРОВ.</b> Ишбилармонлар ва фермерлар ҳамкорлиги .....	2
<b>Ф.ҲАСАНОВА, Ш.АБДУАЛИМОВ.</b> Ёўза парваришида биринчи ишлов ва ягана .....	3
Маъданли ва маҳаллий ўғитлардан уйғунлашган ҳолда ёўзани озиклантириш .....	5
<b>М.ТОШБОЛТАЕВ.</b> Машинабоп ёўза етиштириш агротехникалари .....	6
<b>Р.СИДДИҚОВ.</b> Ғалла парваришида муҳим палла .....	8
<b>Р.АБДУЛЛАЕВ.</b> Боғбоннинг баҳори .....	9
<b>Р. ҲАКИМОВ, Б. АЗИМОВ, Ф. РАСУЛОВ.</b> Парваришни вақтида ва сифатли ўтказган .....	10
<b>Б.НАСИРИЛЛАЕВ, М.ЖЎРАЕВА.</b> Ипак куртининг дастлабки 24 соат давомида .....	12
олинган тухумлари самарадорлиги .....	13
<b>Д.ЁРМАТОВА, Х.ХУШВАҚТОВА.</b> Лалми боғдорчилик .....	13
<b>С. МАМАТОВ.</b> Томчилатиб сугориш истиқболли усул .....	15
<b>Ж.ОЙМАТОВ.</b> "FAN-AGRO" ўғитлари - юқори ҳосил гарови .....	17
<b>А.РАҲМОНОВ.</b> Фермер истиқболлини кўзлаб .....	18
<b>Ш.СОДИҚОВА.</b> Дала маликаси .....	19
<b>Б.ТОШНАЗАРОВ.</b> Меҳнатдан ҳурмат топиб .....	20
<b>К.ЭРГАШЕВ.</b> Имконият — ғайрат бағишламоқда .....	21
<b>Ж. ШУКУРОВА.</b> Деҳқон билан ёнма-ён .....	22
Ҳаракатда хайр бор .....	23
<b>Т.БАХТИЁРОВ.</b> Иш унуми ва самарадорлик — меҳнатда .....	24
<b>Ш. ЖАББОРОВА.</b> Тармоқлар кўпайса, даромад ортади .....	25
<b>А.СУЮНОВ.</b> Кўтон атамалари .....	26
<b>Н.РАҲАБОВ, И.МАМАТАЛИЕВ.</b> «Андихон-36», «С-6541» ёўза навларининг .....	28
кўчат қалинлиги, сув-ўғит меъёр нисбатлари ва сугориш тартиблари .....	28
<b>Г.АХМЕДЖАНОВ, З.БЕКНОЗАРОВА, Д.АХМЕДЖОНОВ.</b> Изучение .....	30
диэлектрических свойств $\epsilon$ и $\text{tg}\delta$ хлопка-сырца .....	30
<b>Г.ИШОНҚУЛОВА, Ш.ХАЗРАТҚУЛОВА.</b> Ғалла ўрмининг дон сифат кўрсаткичларига таъсири .....	31
<b>Х.АРАЛОВ, Б.КЎЧҚОРОВ, А.ҚАЛАНДАРОВ.</b> Сифатли мева етиштиришда .....	32
замонавий технологияларни ўрни .....	32
<b>Ў.МИРЗОХИДОВ, Б.ХОЛМИРЗАЕВ, Э.ХАМДАМОВА, Х.НОРБЕКОВ, Ф.ВОҲИДОВ.</b> .....	33
Унаби навларининг хўжалик ва биологик хусусиятлари .....	33
<b>И.ХАМДАМОВ, Г.СУВОНОВА, М.ДЖУМАЕВ, Н.ХУДОЙҚУЛОВА.</b> Экиш .....	34
муддатларининг нўхат илдизи туганакларига таъсири .....	34
<b>С.САНАЕВ, Н.КЎЙЛИЕВ, Н.АЛИҚУЛОВА.</b> Картошкани туганак ва ўсимталардан .....	35
етиштирилган уруғбоп ҳосилни икки ҳосилли экин сифатида ўстириш .....	35
<b>И.ЭРГАШЕВ, Ф.ОБЛОҚУЛОВ.</b> Картошка навларининг ҳосилдорлик имкониятлари .....	36
<b>А.РУСТАМОВ, Б.РУСТАМОВ.</b> Қизилбош қарам .....	37
<b>М.АМАНОВА.</b> Ерэнгоқ — сердаромад экин .....	37
<b>С.ТУРСУНОВ, А.УЛЬЖАБОВЕВ, С.ХУСАНОВ, И.ТУРСУНОВ, Г.ТУРҒУНОВА.</b> .....	39
Тупроқ унумдорлигини оширишда такрорий экинларнинг ўрни .....	39
<b>И.ҲАМРОЕВ.</b> Темирчакларнинг табиий кушандалари .....	40
<b>Н.САМАТОВ, Б.ТЎХТАМИШЕВ, О.УСУПОВ, Р.СОБИРОВ.</b> Чорвадор .....	41
фермерлар: муаммо ва тақлифлар .....	41
<b>А.РАФИЕВ.</b> Формирование экономического механизма по обеспечению устойчивого .....	42
развития агропромышленного комплекса регионов республики .....	42
<b>С.УМАРОВ, И.ЮНУСОВ.</b> Иқтисодий тармоқларига хорижий инвестициялар .....	43
<b>Ф.ТОШЕВ.</b> Элга тинчлик тилаб қилган дуо си ҳикмат .....	44
<b>М.ТОИРОВ.</b> Эл хизмати — ҳоритмас .....	45
Савр оёи — сабр оёи .....	46
<b>Т.МУҲАММАД.</b> Тўйчивойнинг «тайинсиз» амакилари .....	47

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 11 январда 0158-рақам билан рўйхатга олинган.

Манзилимиз: 100004, Тошкент  
Шайхонтоҳур тумани,  
А. Навоий кўчаси, 4-уй.  
Тел/факс: 241-50-21,  
241-30-92, 241-61-07.

www.qxjournal.asia  
E-mail: qxjournal@qsxv.uz,  
uzqx\_journal@mail.ru

© «O'zbekiston qishloq xo'jaligi»

Босмаҳонага топширилди: 2015 йил 31 март. Босишга рухсат этилди: 2015 йил 1 апрель. Қоғоз бичими 60x84 1/8. Офсет усулида офсет қоғозига чоп этилди. Шартли босма табоғи 4,2. Нашр ҳисоб табоғи 5,0. Буюртма №038. Нусхаси 5300 дона.

«PRINT LINE GROUP» ХК  
босмаҳонасида чоп этилди.  
Корхона манзили: Тошкент шаҳри,  
Бунёдкор шоҳ кўчаси, 44-уй.

Навбатчи муҳаррир: М.ТОИРОВ  
Дизайнер: Н.БОЛТАЕВА



# ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ ИСТИҚБОЛЛИ УСУЛ

**Давлатимиз раҳбарияти томонидан қишлоқ хўжалиги экин майдонларида суғоришнинг тежамкор технологияларини, шу жумладан, томчилатиб суғоришни жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда.**

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги «2013–2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан 2013–2017 йилларда жами 25 минг гектар майдонда томчилатиб, 45,6 минг гектар майдонда эгатга плён-ка тўшаб ҳамда 34 минг гектар майдонда эса ўқариқлар ўрнига кўчма эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш усуллари жорий этилиши белгиланган.

Томчилатиб суғориш ҳам бошқа суғориш усуллари каби сувни даладаги экинга керакли миқдорда етказиб беришга мўлжалланган тизим бўлиб, унинг фарқи шундаки, томчилатиб суғорилганда сув шланглар ёрдамида бевосита экиннинг илдиз қатламига етказиб бериллади. Бунда сувнинг миқдори экиннинг сувга бўлган эҳтиёжига мос бўлади.

Амалиётда кенг қўлланиладиган эгатлаб суғориш усулида суғоришлар орасидаги муддатда тупроқ ҳаддан зиёд қуриб кетса, суғоришдан кейинги дастлабки кунларда тупроқдаги нам керагидан ортиқ бўлади. Бундай шароитда ўсимлик илдизи аввал намлик етишмаслигидан, кейинчалик ортиқча намдан азият чекади, яъни экин бир стресс ҳолатдан чиқиб иккинчи стресс ҳолатга тушади. Оқибатда ўсимлик бир текис ривожлана олмайди.

Томчилатиб суғоришда эса сув экиннинг эҳтиёжига мос миқдор ва муддатларда илдиз қатламига етқа-

зиб бериллади. Натижада унинг илдиз қатламида доимий мақбул намлик ҳосил қилиниб, экин ўзига керак вақтда сув ва озик моддаларни олишга доимий имконият яратилади.

Шундай қилиб, томчилатиб суғорилганда даладаги намлик (сув) бошқарилади, тупроқ бир хил намланади.

Энг асосийси томчилатиб суғорилганда бутун дала эмас, балки далада экиннинг ўзигина суғорилади. Бундай шароитда сув ҳам, озика моддалар ҳам беҳуда сарф бўлмайди.

Томчилатиб суғоришнинг бошқа суғориш усулларига нисбатан бир қатор афзалликлари бор. Улар ҳосилдорликнинг ортиши ва ҳосил сифатини яхшилаши, сувни тежаш ва ҳамда меҳнат ва ресурслар сарфини камайишида намоён бўлади.

Таъкидлаш жоизки, томчилатиб суғорилганда даладаги барча экин туллари бир хилда сув ва озика олганлиги туфайли ҳосил сифати яхшиланади ва миқдори боғ ва тоқзорларда 40, сабзавотларда 80 фоизгача ортади. Ҳосил 10–15 кун эрта пишади.

Мўътадил минтақада жойлашган мамлакатимиз шароитида пахта каби техник экинларни етиштиришда ҳосилнинг эрта пишиши муҳим аҳамиятга эга. Эрта пишиб етилган пахта хомашёси юқори навларга сотилиши баробарида, ҳосили эрта йигиб олинган даладаги юмушларни совуқ ва ёғинли кунларга қолдирмай яқунлаш, қолаверса, гўза қатор ораларига кузги бошоқли дон экинлари уруғини барвақт экиш имконини беради.

Кузатишларга қараганда, томчилатиб суғорилганда бошқа суғориш усулларига нисбатан экин турига қараб 20 фоиздан 50 фоизгача сув тежаллади.

Томчилатиб суғорганда сув ва ўғитлар ўсимликка қувур ва шланглар воситасида етказиб бериллади. Бунда даланинг фақат экинлар жойлашган қисмигина намланади. Натижада дала тупроғи қотмайди, тупроқни юмшатиш (культивация) ва ундан кейин яна ариқ олишга ҳожат қолмайди.

Ўғит сув билан бирга бериллади, далада ариқ ва ўқариқлар олишга ҳожат қолмайди, яъни техникани ишлатиш зарурияти янада камаяди. Натижада ёнилғи-мойлаш материаллари тежаллади. Бундан ташқари, техникани таъмирлаш харажатлари камаяди.


Далада ариқ олинмагандан кейин уларни сувчилар томонидан тўғрилашга ва сув тарашга ҳожат қолмайди, демек сувчиларнинг қўл меҳнати ҳам энгиллашади.

Шундай қилиб, томчилатиб суғорилганда дала тупроғи қотмайди ва культувация қилинмайди ҳамда ўғитлар сув билан бирга берилганлиги боис, мавсум давомида техника кам ишлатилади. Тупроғи қотмаган далани кузда ҳайдаш ҳам осон кечади. Натижада меҳнат ва ёнилғи-мойлаш материаллари сарфи бир неча мартага камаяди.

Экинлар бир хил ривожланганлиги ва ҳосили бир вақтда пишиб етилганлиги боис ҳосилни йигиб олиш учун кетадиган меҳнат ва ресурслар сарфи ҳам тежаллади.

Томчилатиб суғоришда минерал ўғитлар (озуқа) ўсимлик ривожининг турли фазаларида эҳтиёжга мос равишда суғориш сувига қўшиб бериллади, яъни сувда эритилган ўғит сув билан бирга тўғридан-тўғри илдиз қатламига етказиб бериллади. Берилаётган ўғитдан ўсимликни тўлиқ фойдаланишига имконият яратилади.

Одатдаги эгатлаб суғоришда эса ўғит тупроққа солинади. Унинг бир қисми ҳавога учиб, бир қисми сув билан бирга пастга шимилиб кетиши барчага аён. Бунинг устига тупроққа солинган ўғитни ўсимликка тўлиқ етиб боришини кафолатлаб бўлмайди.



Томчилатиб суғорилаётган узумзор ва олма дарахтларининг мевалари (сув одатдагидан 2,5 мартагача кам ишлатилса-да, ҳосил 3-4 мартагача кўп олинади)





Томчилатиб суғорилганда даланинг фақат экин жойлашган қисми суғорилади. Шунда 1 га боғни 1 марта суғориш учун 35–70 м<sup>3</sup>/га (ўртача 50 м<sup>3</sup>/га) сув сарфланади, суғоришлар сони қисқаради. Натижада суғоришга одатдагидан қарийб 2 марта кам сув ишлатилади.



Томчилатиб суғорилганда эса сув билан бирга берилиши боис сарфланаётган ўғит миқдори 40–50 фоизгача тежалиши мумкин. Энг асосийси ўғитнинг ўсимликка тўлиқ етиб боришига ва ундан самарали фойдаланилишига имконият яратилади.

Сарфланаётган ўғитлар миқдорини камайтирилишини яна муҳим бир жиҳати борки, бу даладан ювилаётган (тупроқдан сизилиб сизот сувларигача тушаётган ва оқова билан бирга очик сув ҳавзаларига ташланаётган) ўғит қолдиқлари билан сув захираларининг ифлосланишининг олдини олишдир.

Қишлоқ хўжалиги ҳосилини етиштиришда томчилатиб суғориш тизимларидан фойдаланилганда суғориш вақтида даланинг тупроғи ювилиб кетмайди, даладан оқовага кўшилиб, оқиб чиқиб кетмайди. Шунинг учун дала тупроғининг эрозияси бартараф этилади. Ушбу жиҳат баланд нишабли ва текисланмаган майдонларда томчилатиб суғоришни қўллаш айниқса, катта самара беради.

Экинлар томчилатиб суғорилганда сувнинг тупроққа беҳуда шимилиши юз бермайди. Демак, сизот сувлар сатҳининг кўтарилиб кетишининг асосий сабаби бартараф қилинади. Натижада даланинг ботқоқланиши ва шўрланишига имконият қолмайди. Сизот сувлар кўтарилмаган далада шўрланиш ҳам рўй бермайди, пировардида зах қочирини ва шўр ювиши ишларига ҳожат қолмайди.

Энг асосийси даланинг атрофи-

дан беҳисоб зовурлар қовлашнинг зарурияти йўқолади, бунинг учун сарфланадиган меҳнат ва маблағлар тежаб қолинади.

Охириги йилларда (2009–2014 йй) олимларимиз томонидан мамлакатимизнинг турли шароитларида олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, пахта, мева, сабзавот етиштиришда томчилатиб суғориш усули қўлланилганда худди шу далаларни одатдаги эгитлаб суғоришга нисбатан 30–60 фоизгача кам миқдорда сув ишлатилди. Шунингдек, ҳосил етиштириш учун сарфланган ўғит 30–50 %, меҳнат ва моддий ресурслар харажатлари 30–40 % кам бўлишига эришилди.

Шундай қилиб, томчилатиб суғориш тизимини қўллаш асосида қарийб барча экинларни суғориш ва энг асосийси кам сув сарфлаган ҳолда кўп ҳосил етиштириш мумкин.

Ҳозирги кунда давлатимиз томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сув тежовчи суғориш технологияларини амалиётга жорий этишлари учун қатор имтиёзлар яратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижроси юзасидан фермерлик фаолиятини ривожлантириш ва мустақамлашга қаратилган қонунчилик базасини такомиллаштириш тадбирлари доирасида томчилатиб суғориш тизимларини жорий қилган юридик шахсларни

томчилатиб суғориладиган ер участкаси бўйича 5 йил муддатга ягона ер солигини тўлашдан озод этиш кўзда тутилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва унинг тизим ташкилотлари томонидан олиб борилган кузатув ва тадқиқотлар натижалари томчилатиб суғориш ва бошқа сув тежовчи суғориш усулларини жорий этишни кенгайтириш учун қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилиши лозимлигини кўрсатди:

- маҳаллий ҳокимиятлар қарорлари асосида боғ, токзор ва сабзавот етиштириш учун узоқ муддатга ижарага берилаётган экин майдонларида томчилатиб суғориш тизimini белгиланган тартибда қатъий жорий қилиш;

- харажатлари давлат бюджети томонидан тўлиқ қопланадиган (фермерлар далаларида жойлашган тик қудуқлардан ва насос станциялари ёрдамида сув етказиб берилган худудларда) ва сув етказиб бериш таннарихи вилоят бўйича унинг ўртача қийматидан баланд бўлган барча худудларда сув тежовчи суғориш технологияларини биринчи навбатда, жорий қилиш тартибини ўрнатиш;

- жорий қилиш режалаштирилган томчилатиб суғориш тизими лойиҳавий ечимларини маҳаллий шароитга мослаштириш асосида тизимнинг қурилиш нархи ва эксплуатацион харажатларини камайтириш;

- сув тежовчи суғориш технологияларини қўллашни рағбатлантириш бўйича жорий қилинган тартибларни (имтиёзли кредит ажратиш, декларацияланган нархларда гранула ажратиш, тежалган сувдан фойдаланиш) амалда қўлланишини фаоллаштириш.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда сув тежовчи технологияларни кенг жорий қилиш учун давлат томонидан яратилаётган қулайликлардан фойдаланиш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва халқимиз турмуш фаровонлигини янада юксалтириш учун катта имкониятлар яратади.

**С. МАМАТОВ,**

*Ирригация ва сув муаммолари институти қошидаги Сув тежовчи суғориш технологиялари илмий-тадқиқот консалтинг маркази директори*